

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

6. Янв чиқиши.  
29 СЕНТЯБРЬ 1971 й.  
ЧОРШАНБА  
№ 228 (1603).  
БАҲОСИ 2 ГИНИИ.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

### ҚОЗОҚ ВА ЎЗБЕК АДИБЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

#### Бугун

Алишер Навоий номли адабиёт музейи экспозициялар залида ўзбек ва қozoқ ёзувчиларининг ўзаро адабий ҳамкорлигига бағишланган кўргазма очилди.

Кўргазмада қozoқ тилидаги ўзбек тилидан қozoқ тилига таржима қилинган бадиий асарлар намойиш қилинмоқда. Шунингдек, кўргазмада қozoқ адибларининг портретлари, ўзбек ва қozoқ ёзувчилари учрашувларини акс эттирувчи фотосуратлар ҳам бор.

Кўргазмани ташкил этишда музейнинг адабий алоқалар бўлими ходимлари намуна кўрсатишди.



### ДЕКАДА КУНДАЛИГИ

Ўзбекистонда Қozoғистон ССР адабиёти ва санъати декадаси қизғин бошланди. Ҳамма жойда қардош халқ вакиллари очқи хейра билан кутиб олинмоқда.

#### Бугун

Пойтахтдаги оғруғ офислар уйи кўп сонли томошабинлар билан

ниҳоятда гавжум бўлди. Бу ерда қozoқ тасвирий санъатининг энг ноёб асарлари кўргазмаси очилди. Қардош ўлканинг мўйқалам соҳиблари Қozoғистоннинг гўзал табии манзаралари, йирик кўришларининг жаммоли, шу куннинг қаҳрамонлари ҳақида яратилган асарларни намойиш қилмоқдалар. Навоий театри май-донини китобхоналарнинг энг сеvimли масканларидан бирига айлалди. Майдонда Қozoғистон нашриётларида босиб чиқарилган китоблар бозори ташкил қилинди. Прилавкаларда Қozoғистон адабиёти, тарихи, маданияти, халқ ҳужжатига доир турли хил китоблар сотилмоқда. Шунингдек, «Ўзбекистон» нашриётда ҳам Қozoғистон китоблари кўргазмаси очилди.



ТОШКЕНТДА Қozoғистон адабиёти ва санъати декадасининг тантанали очилиши. Минбарда Қozoғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. А. Ашмив.

И. Душин ва Р. Шамсиддинов фотоси. (ЎзТАГ).

# ҚАРДОШЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ЯНГРАСИН!

## ДЕКАДАНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Ўзбекларнинг би қўшим-жон қўшим деган ажойиб ҳикматли мақоли бор. Одамларнинг янги, социалистик бирлиги вужудга келган бизнинг Советлар Ватанимида бу сўзлар ун чандон маънодор бўлиб янграйди. Қўшни халқ, дўст халқ, қардош халқ! Ленинча миллий сўбат бу тушунчаларга янги, чуқур маъмуни бахш этган. Коммунистик партия янгилаштирган, янги мақсад — коммунизмдан илҳомланган совет халқларининг шонли олдиси қўлни-қўлга бериб, галабада-галабага бормоқда.

Мана бугун бизнинг хонадонимизда Қozoғистон мўйқабар ва азиз меҳмони бўлиб турибди. У ҳусн-жамоли барқ уриб янган ўлканинг порлоқ тақдир тўғрисида, шу кун фаслада қўни ерлардан Ватан омонига қўйлаётган олтин бугдой ҳақида, бепоён кенгликларда қад кўтарётган янги-янги шаҳар ва қишлоқлар ҳақида, нисонга хизмат қила бошлаган битмас-туғамас ер ости хазиналари тўғрисида ҳамда қадимий ва абадий навқирон қozoқлар дивердан самовий келар коннотта парвоз қилаётганлиги ҳақида сўз ва қўшиғи билан ҳикоя қилиб бермоқ учун Ўзбекистон диверга келди.

Абай, Жамбул, Қурмонғози ворислари чиндан ҳам шонли ишлардан илҳом олмақдалар! Шейрий мисралар бу қадар баралла янграётганлигининг, полотнолар бўёқлари бу қадар мавиланётганлигининг, қадимий дўмбра торлари шўх янграётганлигининг бонси ҳам ана шу: уларнинг ҳаммаси бир-биринга ҳамоҳанг бўлиб, Совет Қozoғистонининг бугунги кўни ва эртанги истиқболдан ҳикоя қилмоқда.

Айтганига кўра бу ҳикоя Алишер Навоий номли опера ва балет катта академик театрида бошланади. Қozoғистон адабиёти ва санъати декадасининг

тантанали очилиш маросимда қатнашмоқ учун 28 сентябрь кўни бу ерга Тошкент шаҳри ва области меҳнаткашларининг вакиллари келишди.

КПСС Марказий Комитети Сўсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Қozoғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. А. Ашмив, Қozoғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Н. Имашев, Ўрта Осиё ҳарбий округи қўшинларининг кўмондони, армия генерали Н. Г. Лашченко, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари А. Д. Бесчастнов, Н. Р. Қурбанов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчинов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салмонов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидатлар Н. Махмудов, С. Р. Расулов, С. У. Султонова, Қozoғистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Б. Вилолов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, М. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Қozoғистон ССР маданият министри М. Б. Бозорбоев ва Ўзбекистон ССР маданият министри А. М. Қўчқоров президумга чиқиб ўтирадилар. Улар билан бирга қozoқ халқининг номандлари — ёзувчилар, композиторлар, rassомлар, кинематографчилар, сахна устаслари, Ўзбекистон санъат адабиёт арбоблари ҳам ўтиришди.

Ингилитини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси

Н. Ж. Худойбердиев очади. Бугун Совет Ўзбекистонда катта ва қувончли байрам — Қozoғистон ССР адабиёт ва санъат декадаси бошланди.

Бундай декадалар ўтнаши мамлакатимизда ажойиб анъана бўлиб қолди. Бу учрашувлар халқларимиз қардошлигининг чинакам тантанаси, маданият соҳасидаги муваффақиятларнинг кўригига айланмоқда.

Биз шунга аминимизки, қozoқ адабиёти ва санъати декадаси ҳам бизни қардошларимизнинг бой ва ранг-баранг ижоди билан таништириди, халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлашнинг ёрқин саҳифаси бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президуми ва Министрлар Совети номидан, республиканинг барта меҳнатчилари номидан ўртоқ Худойбердиев азиз меҳмонларини қизғин табриқлайди.

Ўзбек халқи билан қozoқ халқи қадим замонлардан бери дўст бўлиб келганлар. Бу дўстлик халқларини маҳаллий элимлар ва чор амалдорларининг жаборига ва қулликка қарши курашда бирлаштиради. Бу дўстлик Октябрь революцияси, граждандар уруши ва Улуғ Ватан уруши алаңасида, тинч бунёдкорлик меҳнатида тобланда. Бу дўстлик коммунизм учун курашда янада мустаҳкамланди.

Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигида Қozoғистон эришган муваффақиятларга биз астойдил қувонимиз. Қozoғистон Совет Социалистик Республикаси — юксак даражада ривожланган индустрия, юксак даражада механизацияланган қишлоқ ҳўжалиги, илгор фан ва маданият ўлкасидир. Усть-Каменогорск ва Ле-

ниногорск металлургияларининг, Қарағанда ва Экибастўз кўмирчиларининг, Чимкент ва Жамбул химикларининг, Мангистлақ нефтчиларининг муваффақиятларидан қувонмоқдамиз.

Қozoғистон рух ва кўрғошини ишлаб чиқаришда мамлакатимизда биринчи ўринда, мис ишлаб чиқаришда иккинчи ўринда ва кўмир қазиб олишда, электр энергия ҳўсий қилишда, чўян эритишда учинчи ўринда турганлиги республиканинг умумийтўфоқ меҳнат тақсимидаги ролини кўрсатиб турипти.

Саккизинчи беш йиллик даврининг ўзидаёқ қардош республикада 445 та янги саноат корхонаси ва пек ишла туширилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳўлми 55 процент кўнайди. Миллий даромад 61 процент ошди.

Қozoқ ёзувчилари, rassомлари, кинематографчилари, композиторларининг асарлари ўз-

бек халқининг дилига яқин ва азиздир. Абай, Жамбул, Мухтор Аевзонинг ўлмас асарларини ўзбеклар ўз она тилида ўқимоқдалар. Ҳозирги замон ёзувчилари — Ғабит Мусрепов, Собит Муқонов, Ғабиден Мустафин, Абдулла Тожибоев, Анвар Олимжонов ва қozoғистонлик бошқа адибларининг асарларини халқимиз яқин билади.

Қozoқ театри ва киносининг Бибиғул Тулаганова, Роза Жаманова, Роза Багланова, Ермек Серкебаев, Ришот Абдуллин, Хадиса Букеева сингари артистлари ижоди кишиларга завқ-шавқ бахш этади. Муқан Тулебоев, Аҳмед Жўбанов, Ганиза Жўбанова, Қўлдус Хўжаимиров музикасини, rassомлардан Обилхон Касетов, Қанафий Телжонов, Хакимжон Наврузбоев ва бошқа кўпгина санъат арбобларининг асарларини Қozoғистон ва бошқа республикадаги кишилар ҳам биладилар ва севадилар.

Совет ҳўкимияти йиллари

давонида социалистик тузум афзалликлари туғайли, коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сўбати туғайли, улуғ рус халқи бошчилигидаги Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги туғайли Қozoғистон гуллаб-йшанди.

Партия ва Совет ҳўкумати Қozoғистон ССР меҳнаткашларининг хизматларини юксак баҳўлади. Ҳўзир республика байроғида Ленин ордени ва Октябрь Революцияси ордени порлаб турибди.

Азиз дўстлар, сизларнинг муваффақиятларининг бизни айниқса хўрсанд қилади, чунки қozoқ ва ўзбек халқларининг тақдир, урф-одатлари, анъаналари бир-бирга жуذا ўхшаш ва яқиндир. Айни вақтда биз Қozoғистон билан Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш алоқалари узлуксиз мустаҳкамланиб бораётганлигининг тувоҳи ва қатнашчилари бўлиб туришимиз.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ўзбекистон ССРда рўй берган катта-катта ўзгаришларни азиз меҳмонларимизга қувонч билан кўрсатадилар.

Сизлар республикамизнинг ҳамма томонларига борасизлар, заводларда ва қурилишларда, қолхозларда ва соҳўзорларда, театрларда ва концерт залларида сизларни мунтазир бўлиб кутмоқдалар. Декада кўнларида сизлар республикамиза ишчилар синфи ва қолхозчи деҳқонлари билан, меҳнаткаш зиётилари ва ёшлари билан бемалол таниша оласизлар, уларнинг ҳўятини, маншати ва бунёдкорлик меҳнатини ўз кўзлариница билан кўра оласизлар. Ўзбекистон шаҳарлари ва қишлоқларида ўтказилган жуذا кўп ижодий учрашувлар ва сафарлар вақтида кўпгина янги дўстлар орттирасизлар, ўз талантларининг ва ўзига хос қozoқ санъатининг муҳлисларини тоша оласизлар.

Биз сизларнинг республикамизда бўлишингиза ёқимли ва мушўудлик билан ўтиши учун ҳамма ишчи қиламиз.

(Давоми иккинчи бетда).

## ДЕКАДА ИШТИРОКЧИЛАРИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетда 28 сентябрда қozoқ адабиёти ва санъати декадаси иштирокчилари шарафига қабул маросими бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сўсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов улкан дўстлик ва қардошлик байрами бошланганлиги мўносабати билан меҳмонларни самимий табриқлади, уларга янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Делегация бошлиғи, Қozoғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. А. Ашмив ўзининг жавоб нутқида ўзбеклар дивернда шодина ва самимий кутиб олинганликларини учун ташаккур ва миннатдорчилик изҳор қилди.

Қабул маросимда Қozoғистон Компартияси Марказий Комитети

нинг секретари С. Н. Имашев, Ўрта Осиё ҳарбий округи қўшинларининг кўмондони армия генерали Н. Г. Лашченко, Қozoғистон ССР маданият министри М. Б. Бозорбоев, Олмаота шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. И. Мочалин, Қozoғистон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлимининг муддир М. И. Есеналиев, Қozoғистон ва Ўзбекистон ижодий союзлари ва ташкилотларининг раҳбарлари, адабиёт ва санъат арбоблари қатнашдилар.

Қабул маросимда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари А. Д. Бесчастнов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчинов, Т. Н. Осетров, О. У. Салмонов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этдилар.

Қабул маросими самимий ва дўстона вазиюта ўтди. (ЎзТАГ).

## НАВОИЙ ТЕАТРИ САҲНАСИДА — ҚОЗОҒИСТОН ССР САНЪАТ УСТАЛАРИ



СУРАТЛАРДА: (чапдан-ўнга) «Гудлер» ёшлар ансамблининг артистлари «Дўмбирачилар рақси»ни ижро этапти; ёшлар ансамблининг солисти Н. Ойдаватова кўялайди; СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Бибиғул Тулеганова ўзбек саҳнасида қozoқ кўшигини ижро этапти; СССР халқ артисти Ришот ва Қozoғистон ССР халқ артисти Муслим Абдуллинлар; ўзбек томошабинлар республикада хизмат кўрсатган коллектив Қozoғистон ССР ашула ва рақс ансамблининг артистлари ижро этган рус рақсини олиқишлар билан қарши олишди. И. Нуриддинов фотосағи.





